



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may

Қ-382 -son

Termiz sh.

“Universal Mobile Systems” МЧЖга Термиз тумани “Сурхон Дўстлик сархади” массиви “Наврўз”, “Солиобод” ва “Гулистон” маҳаллаларидан “Антенa минора ва мачталарини ҳамда телекоммуникация объектларини ўрнатиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 22 майдаги ПҚ-4329-сон қарорининг 9-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 03-02/331-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2021 йил 26 мартдаги 01-08/66-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Universal Mobile Systems” МЧЖга Термиз тумани “Сурхон Дўстлик сархади” массиви “Наврўз” маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 169қ-дала контуридан 70,0 кв.метр, “Солиобод” маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалик харитасининг 119қ-дала контуридан 70,0 кв.метр ва “Гулистон” маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалик харитасининг бк-дала контуридан 70,0 кв.метр жами 210,0 кв.метр қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Антенa минора ва мачталарини ҳамда телекоммуникация объектларини ўрнатиш” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов